

Алкоголь бактериянинг ахлати

[ўзбекча]

أضرار الكحوليات [الخمر]

[باللغة الأوزبكية]

Жданов Владимир Георгиевич

جدانوف فلاديمير كيوركىوفيتچ

Таржима : Шамсуддин Абдул Холик

ترجمة: شمس الدين عبد الخالق

Риёз шахри, Рабва маҳалласидаги даъват идораси

المكتب التعاوني للدعوة وتوعية الجاليات بالربوة بمدينة الرياض

1429 – 2008

islamhouse.com

«Алкоголь бактериянинг ахлати эканлигини кўпчилик билмаса керак»

Сибирь Гуманит ар-Экология Институт ут ининг профессори, халқаро психоаналит иклар бирлашмасининг президенти, Россия ХСУК (халқаро сергаклик учун кенгаши) раисининг ўринбосари Жданов Владимир Георгиевичнинг лекциясидан парча.

«...Минг афсуски, бу ерда ўтирганларнинг тенгидан кўп қисми вино, водка ва пиво деб аталган оғу билан яхшигина таниш эканлар. Аммо, сизлар бу ичимликларнинг қай тариқа тайёрланишини билмасангиз керак. Мен эса биламан ва буни бажонидил сизларга айтиб бераман.

...Ичкиликни қадимдан маълум ва содда йўсинлар билан тубандагича тайёрлайдилар. Авваламбор, катта бордон идишга узум ширасини қуядилар. Бунинг натижасида бордонда шакар, витамин ва ферментлардан иборат жуда ўткир шира пайдо бўлади. Ундан кейин бу ширага чиритувчи бактерияларни аралаштирилади. Бу бактериялар ширинликни шу даражада хуш кўргани сабабли очофатлик билан тўйиб, тўйиб ейишга киришади. Фараз қилингки, биз очофат бактерияни заррабин ёрдамида катталаштириб қарайпмиз: мана унинг кўзлари, оғзи... мана у ширинликни очофатларча егандан кейин...ҳа, албатта, бавл қиласяпти. Яъни, думининг тагидаги чиқариш тешигидан...этил спиртини, бошқача айтганда алкоголь моддасини чиқарајпти.



Шундай қилиб, алькоголь дегани аслида очофат бактерияларнинг ахлатидан бошқа нарса эмас. Буни фан тилида «экскрементлар» деб аталади. Агар мана шу ахлатни чиройли шишаларга қўйиб қўйилса, кўрибсизки, номи жарангдор «сухой ординарный вино» пайдо бўлади қолади. Бундай ахлатларни сиз Москванинг ҳар бир муюлишидаги дўконлардан сотиб олишингиз мумкин.

...Кўпчилик одамлар, айниқса аёлларимиз ва қизларимиз шампан виносини жуда севиб истеъмол қиласидилар. Улар бу винони фавворадек вушшиллаб отилган гази учун ҳам севадилар. Лекин улар бу вино ва

унинг гази қандай пайдо бўлишини билмайдилар. Мен эса биламан ва сизларга жоним билан ҳикоя қилиб бераман.

...Махсус идишларга сархил узум навларининг ширасини қуядиларда, унинг устига чиритувчи бактерияларни ташлайдилар. Кейин идишларнинг оғзини пўкаклар билан маҳкам беркитадилар ва жуда қоронғи ертўлалардаги махсус токчаларга тизиб, ертўла эшиги устидан кулф солиб қўядилар. Ертўлаларнинг ичидаги ҳарорат ёзин қишин +14 даражада сақланади ва шу бўйича роппа роса икки йилдан кейин, бактериялар шакар моддасини еб битириб, уни ичида “қайта ишлаб” бордонларни ўз ахлатларига яъни спиртга тўлдириб бўлганларида очилади. Ертўла ичига ёруғлиги ҳаддан ташқари кучли бўлган пројекторлардан ўтқир нур юборилади. Ўшанда... дафъатан келган бу нурлардан ўтакаси ёрилган бактерияларнинг ичи суюлиб-суюлиб кетади. Суюқ-суюқ “чиқариб” юборишади ва...ўлиб қолишади. Аммо, ўлимлари олдидан ҳаддан ташқари қаттиқ қўрқканлари сабабли орқа тешикларидан бетиним “газ чиқаришиб” ана шу “ноёб фаввора” билан бордонни тўлдиришга улгuriшади... Аёллар севиб-севиб, қувониб-қувониб ичадиган шампан виносининг фаввораси мана шу тариқа вужудга келади”

Таржимондан: Мен профессор Ждановнинг бу лекциясини эшитганимда Аллоҳ субҳонаху ва таолонинг мусулмонларни сифатлаб “уларга (барча) покиза нарсалар ҳалол қилинди ва (барча) ифлосликлар ҳаром қилинди” деган муборак каломини эсладим. Эсладиму, мени ана шу мусулмонлар жумласидан қилганлигига шукроналар келтирдим.